

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. СУФИЕВА Дилафруз Улугбековна**
ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ В КАЧЕСТВЕ ОСНОВНОГО НАПРАВЛЕНИЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРЛАМЕНТАРИЕВ..... 8
- 2. АДЛКАРИЕВА Феруза Ходжимуратовна**
КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВАКОЛАТЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ – ЗАМОНАВИЙ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАҲСУЛИ 15

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

- 3. МАСАДИКОВ Шерзодбек Махмудович**
СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА ПО ПРИЗНАНИЮ И ИСПОЛНЕНИЮ ИНОСТРАННЫХ
АРБИТРАЖНЫХ РЕШЕНИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 21
- 4. ТОШЕВ Зафар Бобокулович**
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 28
- 5. DENQANOV Raxmatilla Mirzaraxmat o'g'li**
TRANSCHEGARAVIY ELEKTRON TIJORATDA ISTEMOLCHILAR HUQUQLARI 34
- 6. TOSHKANOV Nurbek Bahriddinovich**
INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO'LGAN HUQUQLARNI USTAV JAMG'ARMASIGA
ULUSH SIFATIDA KIRITISH: BUNI QANDAY AMALGA OSHIRISH MUMKIN?..... 40

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 7. НАБИРАЕВ Акмал Исматуллаевич**
АГРАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН
НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ... 48

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 8. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 54
- 9. АЛИМОВ Гайбулла Алимович**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ 70

10. МИРЗАТИЛЛАЕВ Умид ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАР ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ.....	78
---	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

11. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна АНАЛИЗ СОДЕРЖАНИЯ И ОСНОВНЫХ ПРИНЦИПОВ ПРАВА НА ЗДОРОВЬЕ В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА.....	85
12. USMANOVA Surayyo ANALYSES OF DEVELOPING COUNTRIES ON TOURISM SERVICES REGULATION UNDER THE GATS	96
13. БАБАЕВА Иродахон ОБЗОР И КЛАССИФИКАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОКУМЕНТОВ ПО ИЗМЕНЕНИЮ КЛИМАТА.....	105
14. АКБАРОВ Саидакбар ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ.....	117

ҲУҚУҚ, ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

15. МЕЛИЕВ Худоёр Хуррамович ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШНИНГ КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА АҲАМИЯТИ	125
---	-----

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚ, ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

МЕЛИЕВ Худоёр Хуррамович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: legaluz15@gmail.com

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ҚЎЛЛАШНИНГ КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА АҲАМИЯТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МЕЛИЕВ Х.Х. Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектни қўллашнинг коррупцияни олдини олишга аҳамияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2024) Б. 125-130.

 6 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-6-15>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича республикамизда кетаётган ислохотлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг мазмуни очиқ берилган. Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинган ҳолда унинг истиқболи ҳақида таҳлилий фикрлар берилган. Сунъий интеллектнинг инсон омилининг таъсирини камайтириш, маълумотларни таҳлил қилишнинг юқори тезлиги ва аниқлиги таъминлаш ҳамда катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш салоҳиятини тақдим этиши асослантирилган. Бу омиллар ўз навбатида ушбу технологиянинг давлат хизматлари кўрсатишда коррупциянинг олдини олишда муҳим восита бўлиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, сунъий интеллект, коррупцияни олдини олиш, инсон омилини камайтириш.

МЕЛИЕВ Худоёр

Доктор философии (PhD) по юридическим наукам

E-mail: legaluz15@gmail.com

ЗНАЧЕНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ ДЛЯ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ КОРРУПЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты реформы, проводимые в нашей республике по использованию искусственного интеллекта, и содержание принятых законодательных актов. Рассматривая опыт зарубежных стран в использовании искусственного

интеллекта в сфере государственных услуг, даны аналитические выводы о его перспективах. Обоснована возможность применения искусственного интеллекта для уменьшения влияния человеческого фактора, обеспечения высокой скорости и точности анализа данных, а также переработки большого объема информации. Эти факторы, в свою очередь, показывают, что данная технология является важным средством предотвращения коррупции в предоставлении государственных услуг.

Ключевые слова: государственные услуги, искусственный интеллект, предотвращение коррупции, уменьшение влияния человеческого фактора.

MELIYEV Xudoyor
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: legaluz15@gmail.com

THE IMPORTANCE OF IMPLEMENTING ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN PUBLIC SERVICES TO PREVENT CORRUPTION

ANNONATION

This article reveals the reforms being carried out in our republic regarding the use of artificial intelligence and the content of the adopted legislative acts. By considering the experience of foreign countries in the use of artificial intelligence in the field of public services, analytical conclusions about its prospects are provided. The possibility of using artificial intelligence to reduce the influence of the human factor, ensure high speed and accuracy of data analysis, and process large amounts of information is substantiated. These factors, in turn, show that this technology is an important means of preventing corruption in the provision of public services.

Keywords: public services, artificial intelligence, corruption prevention, reduction of the human factor influence.

Дунёда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш борасида мисли кўрилмаган тадқиқотлар, экспериментлар, амалий натижалар кузатиш мумкин. Айни пайтда бусоҳани ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар томонидан турли ёндошувлар, стратегиялар, концепциялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган сиёсат ва амалиётда ўзгаришлар шиддатли тус олаётганлигини кузатиш мумкин. Шуни қайд этиш керакки, бундан 5 йил олдин тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида [1] ҳам бу масалага умумий даражада эътибор берилган бўлиб, ҳеч қандай аниқликлар, ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб ўтилмаган эди. Бу ҳужжатда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш қаторида қайд этиб ўтилган эди холос. Бироқ, бундан бир йил ўтиб сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4996-сон қарори [2] қабул қилинди. Мазкур қарор асосида бир қатор ўзгаришлар қилинди. Хусусан, 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланиши бўйича курслар ва фанлар жорий этилди, “Сунъий интеллект” йўналишида кадрлар тайёрлаш учун 12 та олий таълим муассасасига 572 нафар талаба ўқишга қабул қилинди, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида ихтисослашган лабораторияларга эга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Бу турдаги технологияларни ривожлантириш бўйича дунёда кетаётган тенденциялардан келиб чиқиб ҳамда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси [3] тасдиқланди.

Ушбу стратегия билан илк бор сунъий интеллект соҳасидаги бир қатор муҳим тушунча ва ибораларга таъриф берилди. Жумладан, сунъий интеллект — инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи деган, сунъий интеллект технологиясига эса сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари деган таъриф берилди.

Сунъий интеллектга айрим расмий ҳужжатлар, жумладан қонунчилик ҳужжатларида таърифи берилган бўлсада, бу соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлар томонидан сунъий интеллект тушунчасининг таърифи тўғрисида яқдил фикр мавжуд эмас.

Сунъий интеллект яратувчиларидан бири Жон Маккарти уни ақлли машина, айниқса, ақлли компьютер дастурларини яратишга қаратилган фан ва муҳандислик ишлари сифатида таърифлаган. Унинг фикрига кўра, “интеллект — бу атроф-муҳитдаги мақсадларга эришиш қобилиятининг ҳисоблаш қисми”. Шу билан бирга, Ж. Маккарти инсонлар, кўплаб ҳайвонлар ва баъзи машиналарда турли хил ва турли даражадаги интеллект учрайди, деб ҳисоблаган [4].

И.В. Понкин ва А.И. Редькина сунъий интеллектнинг жуда кенг қамровли таърифини бериб, сунъий интеллектни умумий ҳолда “когнитив-функционал архитектурага эга бўлган ва зарур қувват ва тезликдаги ўз ёки тегишли равишда мавжуд (берилган) ҳисоблаш қувватлари билан таъминланган сунъий мураккаб кибернетик компьютер-дастур-аппарат тизими” деб таърифлаганлар. Бу тизим муаллифлар томонидан кўрсатилган бир қатор хусусиятларга эга, жумладан ўрганиш, атроф-муҳит билан ўзаро таъсир қилиш ва муаммоларни мустақил ҳал қилиш, ўзининг ўзини таҳлил қилиш ва ўз ҳаракатини мослаштириш қобилиятига эга [5].

Айрим олимлар фикрига кўра эса сунъий интеллект ўз муҳитининг тушуниш ҳаракатлари натижаларини қабул қиладиган ва ҳаракатларни амалга оширадиган агентлар ҳақидаги фан, бунда ҳар бир шундай агент тушуниш ҳаракатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини акс эттирадиган функцияни амалга оширади [6].

Сунъий интеллектнинг рақамли технологиялар тури сифатидаги хусусиятлари электрон техника ақли ва ўрганиш хусусиятлари билан белгиланади. Хусусиятларига кўра сунъий интеллектни қуйидаги уч тоифага ажратиш мумкин: чекланган (битта вазифани бажаради), умумий (кўп вазифали, инсон мияси каби), суперақлли (инсон бажара олмайдиган вазифаларни бажаради) [7]. Сунъий интеллектнинг ёрқин мисоли овозли ёрдамчиларни (Алиса, Сири ва бошқалар) келтириш мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари — бу маълумотларни излаш, йиғиш, тўплаш, рўйхатга олиш, сақлаш, кириш-чиқиш, қабул қилиш ва узатиш, таҳлил қилиш, ўзгартириш, акс эттириш, қайта ишлаш ва бундай қайта ишлаш натижаларини олиш, тарқатиш ва йўқ қилиш жараёнларида амалга ошириладиган математик функцияларнинг йиғиндиси. Бу жараёнлар табиий интеллектнинг айрим қобилиятларини (таниш, ўрганиш, ёд олиш ва бошқалар) қўллаган ҳолда инсон билан ўзаро таъсирда ёки автоном тарзда, лекин унинг назорати остида ишлайдиган дастур-аппарат мажмуаларида амалга оширилади [7].

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар орқали, биринчидан сунъий

интеллект тушунчачининг илмий-назарияларда якуний таърифи шакланмаганлигига, иккинчидан унинг амалга ошириладиган математик функцияларнинг йиғиндиси, мураккаб кибернетик компьютер-дастур-аппарат тизими эканлиги жиҳатларига алоҳида эҳтибор бериш мақсадга мувофиқ.

Бу технологияларга хос бўлган иккинчи жиҳат унинг олдига маълум бир мақсад, вазифани математик модел, формулалар орқали ва зарур маълумотларни киритиш йўли билан қўйиш мумкинлигини англатади. Бу эса ушбу технологиядан давлатнинг коррупцияга қарши фаолият йўналишларида унумли фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясида [3] Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш; давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, уларни тақдим этишда фуқаролар учун қулайликлар яратиш; Ягона интерактив давлат хизматлари порталида чат-ботлар яратиш белгиланди.

Сунъий интеллект технологияларини давлат хизматлари соҳасига жорий этиш бўйича Сингапур, Буюк Британия, Эстония, Финляндия, Жанубий Корея, Россия, БАА, Латвия, Қозоғистон давлатларида бир қатор ижобий тажрибалар мавжуд. Мисол учун, Сингапурда 2018 йилда “Ҳаётини вазиятлар” (“*Moments of Life*”/“*LifeSG*”) [8] ишга туширилган. 2021 йилда эса “OneService” чатбот ишга туширилган бўлиб, у орқали муниципал масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, шикоятларни автоматик равишда тоифаларга бўлиш ҳамда масъул давлат органи ва ташкилотига хабар бериш мумкин.

Буюк Британияда эса сунъий интеллект асосида ишлайдиган чатботлар ва виртуал ёрдамчилар томонидан 24/7 сўровларга жавоб бериш; турли платформаларда фуқароларнинг иштирокини кузатиш ва таҳлил қилиш; маълумотларни киритиш, аризаларни қайта ишлаш, хизматлар кўрсатишни тезлаштириш; маълумотларни фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш; ижтимоий тармоқлар ва бошқа алоқа каналларини таҳлил қилиб, жамоатчиликнинг кайфиятини аниқлаш; жамоат инфратузилмасининг муаммолари ҳақида хабар қилиш ва ҳал қилиш жараёнини соддалаштириш мумкин [9].

Рақамли ҳукумат соҳасида дунёда юқори кўрсаткичларни намоён этаётган Эстонияда 2021 йилда “Бюрократ” (*Bürokratt*) платформаси ишга туширилган. У орқали нафақа олиш учун ариза юбориш, тўловларни амалга ошириш, туғилишни рўйхатдан ўтказиш, паспортни янгилаш ва шу каби бошқа хизматлардан овозли алоқа орқали фойдаланиш, 24/7 режимида хизмат кўрсатиш, барча саволларга бир жойдан жавоб олиш имконияти яратилган [10], [11], [12].

Финляндияда “*AuroraAI*” дастури одамларга қайси хизматлар фойдалироқ эканлигини аниқлаш ҳамда фойдаланувчиларга мослаштирилган тавсиялар бериш учун ишлаб чиқилган [13].

Латвияда UNA (*Uzņēmēju Nākotnes Atbalsts*) виртуал ёрдамчиси мурожаат қилувчиларга юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ёки тугатишга доир исталган турдаги саволларга 24/7 режимида жавоб бериши мумкин [14].

Жанубий Кореяда “*Government 24*” платформаси фойдаланувчининг шахсий маълумотларини таҳлил қилиш ва уларнинг эҳтиёжларига мос келадиган давлат хизматларини автоматик равишда таклиф этиш, виртуал ёрдамчилар (чатбот) орқали фойдаланувчиларнинг саволларига бериш, зарур маълумотларни топишда кўмак беришга йўналтирилган [15].

Россия Федерациясида бир қатор тижорат ташкилотлар сунъий интеллектга асосланган технологиялардан муваффақиятли фойдаланиб келмоқда [16]. Мисол учун, Сбербанк хизматларини шахсийлаштириш, мижозлар маълумотларини таҳлил қилиш ва ички жараёнларни автоматлаштириш учун фойдаланади; Yandex: қидирув алгоритмларини, овозли ёрдамчиларни (Алиса) ва ўзи юрар машиналарни бошқариш учун

ишлатмоқда; МТС ва Мегафонда катта маълумотларни таҳлил қилиш технологиялари жорий этилган.

Қозоғистонда фуқароларга тил моделлари асосида рақамли хизматларни олиш имконини берувчи “Egov AI” тизими ишлаб чиқилмоқда, “ChatGPT”нинг қозоқ эквиваленти: қозоқ тили учун миллий тил моделини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда [17].

Юқори технологияларни қўллашга доимий эътибор берадиган Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) “DubaiNow” мобил иловаси [18] орқали фуқаролар турли давлат хизматларини, жумладан, коммунал тўловлар, солиқлар, транспорт ва бошқалардан бевосита сунъий интеллект ёрдамида фойдаланишлари мумкин.

Сунъий интеллект давлат хизматлари соҳасида қўлланиши коррупцияга қарши курашда кучли восита бўлиши мумкин, чунки у катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, яширин қонуниятларни топиш ва мураккаб жараёнларни автоматлаштириш қобилиятига эга.

Давлат хизматлари соҳасида коррупцияни олдини олишда сунъий интеллект имкониятларидан: маълумотларни таҳлил қилиш ва шубҳали операцияларни аниқлаш; давлат харажатларини назорат қилиш ва аудит (СИ тизимлари харажатларни реал вақт режимида таҳлил қилиб, ортиқча сарф-харажатлар, эълон қилинган маълумотлар ва ҳақиқий маълумотлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаши мумкин); ақлли чат-ботлар ва аризаларни автоматлаштириш (СИ ботлар фуқароларга қонунчилик ҳужжатлари ҳақида маълумот беришлари мумкин, аризаларни автоматлаштириш амалдорларнинг таъсирини ва порахўрлик эҳтимолини камайтиради); фуқароларнинг шикоятлари ва хабарларини қайта ишлашда (СИ фуқаролардан тушган кўплаб шикоятларни таҳлил қилиб, коррупциявий хатар нуқталарини, кўп кўрсатилган иштирокчиларни аниқлаши, мисол учун матнларни ва табиий тилни таҳлил қилиш тизимлари ижтимоий тармоқлар ва шикоят платформаларидан келиб тушган хабарларни йиғиши мумкин) фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали коррупциявий хатарларни прогноз қилиш имконият мавжуд. Бунда прогноз моделлари тузилиб, тарихий маълумотлар асосида коррупция хавфи юқори бўлган жойлар, қайси лавозимлар ёки лойиҳалар энг хатарли бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Умуман давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш инсон омилининг таъсирини камайтириш, маълумотларни таҳлил қилишнинг юқори тезлиги ва аниқлиги таъминлаш ҳамда катта миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш салоҳиятини тақдим этади.

Давлат хизматлари соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни, изчил тадқиқотларни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказида сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лаборатория ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. <https://lex.uz/docs/5030957#5031885>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/7158604>;
4. McCarthy J. What is artificial intelligence? // URL: <http://www-formal.stanford.edu/jmc/whatisai/>;
5. Понкин И. В., Редькина А. И. Искусственный интеллект с точки зрения права //

Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Юридические науки. 2018. Т. 22. № 1. С. 95;

6. Норвиг П., Рассел С. Искусственный интеллект. Современный подход. 2-е изд. М.: Вильямс, 2016. С. 36;

7. Попова С.А., Акулин С.В. Новые формы коррупции, связанные с цифровыми технологиями // Юридическая наука, №3 2023, с. 178-185;

8. Singapore's AI-Driven Citizen Experience the Future of Public Services? // <https://www.cmswire.com/customer-experience/is-singapores-ai-driven-citizen-experience-the-future-of-public-services/>;

9. AI and Automation in the UK Public Sector // <https://www.styletech.co.uk/blogs/ai-and-automation-in-the-uk-public-services>;

10. Estonia steps up virtual civil servant project. By *Mia Hunt* on 26/07/2022 | Updated on 26/07/202 // <https://www.globalgovernmentforum.com/estonia-steps-up-virtual-civil-servant-project/>;

11. Steps to use Bürokratt // <https://www.ria.ee/en/state-information-system/personal-services/burokratt>;

12. Estonia's Bürokratt, a concept of how state could operate in the age of artificial intelligence, again in UNESCO's global list of top AI projects // <https://investinestonia.com/estonias-burokratt-is-a-concept-of-how-state-could-operate-in-the-age-of-artificial-intelligence/>;

13. Tian Jiao Lim, How Finland is using AI for predictive public services // <https://govinsider.asia/intl-en/article/how-finland-is-using-ai-for-predictive-public-services>;

14. UNA – the first virtual assistant of public administration in Latvia // <https://oecd-opsi.org/innovations/una-the-first-virtual-assistant-of-public-administration-in-latvia/>;

15. Digital Government Innovation // <https://www.mois.go.kr/eng/sub/a03/digitalGovInnovation/screen.do>;

16. Индекс готовности приоритетных отраслей к внедрению искусственного интеллекта // <https://ai.gov.ru/ai/implementation/>;

17. Каждая пятая госуслуга будет предоставляться с помощью ИИ к 2029 году. Жанель Жазетова // <https://kz.kursiv.media/2024-03-18/zhzh-artificial/>;

18. UAE Strategy for Artificial Intelligence // <https://u.ae/en/about-the-uae/strategies-initiatives-and-awards/strategies-plans-and-visions/government-services-and-digital-transformation/uae-strategy-for-artificial-intelligence>